2006 йил, 6 январь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 4 (10.561)

Баҳоси эркин нархда

## Пойтахтнинг бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

*14 январь — Ватан ҳимоячилари куни*





Мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги, халқимизнинг тинч-осуда ҳаётини бедор қўриқлаётган мард ўғлонларимиз қалбларимизни фахр-ифтихорга тўлдиради.

**Камолиддин Тўраев олган суратлар.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

### Б.А.МАТЛЮБОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ ЭТИБ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Баҳодир Аҳмедович Матлюбов Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири этиб тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри, 2006 йил 5 январь*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ*

### Ғ.Т.ҚОДИРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ — ЖИНОЯТ ҚИДИРУВ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОШ БОШҚАРМАСИНИНГ БОШЛИҒИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ғайрат Тоирович Қодиров Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари — жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш Бош бошқармасининг бошлиғи этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри, 2006 йил 5 январь*

## Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Юнусобод туман санитария-эпидемиология назорати марказида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати миллий қадриятларимиз ҳамда урф-одатларимизни пухта ўрганишнинг аҳамиятига бағишланди.

● **БУГУН** «Исломобод» маҳалла гузарида «Кўкча», «Шофайз» маҳаллалари фаоллари ва ёшлари иштирокида «Маънавият ва маърифат» марказининг Шайхонтоҳур туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган учрашув «Меҳр-мурувват, саховат байрами» деб номланди.

● **ЭРТАГА** Миробод туманидаги 214- мактабда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштириладиган «Балли, йигитлар» мавзуидаги кўрик-танловда 8,9-синфлар ўқувчилари ўзаро беллашишади.

● **РЕСПУБЛИКА** ҳарбий лицейида уюштирилган «Балли, йигитлар!» кўрик-танлови Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 14 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланди.

● **РЕСПУБЛИКА** дизайн коллежида бошланган «Болалар чизган эртаклар» мавзуидаги расмлар кўргазмаси Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг котибияти, «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорликларида уюштирилди. Ушбу тадбир 11 январгача давом этади.

● **ҲОМИЙЛАР** ва шифокорлар йили муносабати билан Учтепа туман марказий поликлиникасида аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш масалаларига бағишланган тадбир ўтказилиб, поликлиникада енгил жарроҳлик операциялари амалга оширила бошлаганлиги таъкидланди.

● **РЕСПУБЛИКА** Ўқувчилар саройида уюштирилган арча байрами тантаналари «Янги йил саргузаштлари» деб номланди.

● **«ЎЗКАБЕЛЬ»** очиқ акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган темир йўл, телефон кабеллари Россия, Қозоғистон, Туркия каби мамлакатларга экспорт қилина бошланди.

● **ЯҚИНЛАШИБ** келаётган Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан ўтказилган тадбирда Тошкент техника мактаблари курсантлари иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институтида тарихчи олим, ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси доценти Қодир Эрназаров таваллудининг 80 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИ БИЛАН КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТЛАР ЎРТАСИДА КООПЕРАЦИЯНИ КЕНГАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг бандлиги ва даромадлари барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда касаначиликнинг турли шаклларини кенг ривожлантириш, жумладан, унинг йирик саноат корхоналари билан кооперациясини кенгайтиришга устувор аҳамият берилмоқда.

Йирик саноат корхоналари билан касаначилар ўртасида кооперация алоқаларининг мустаҳкамланиши оила бюджети даромадларини оширишдек муҳим муаммони ҳал этади, иш билан банд бўлмаган аҳоли сонини кескин қисқартириш ва унинг фаол қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради. Айни пайтда касаначилар иш стажини ҳисоблаш, уларга пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлаш ҳуқуқи таъминланади.

Саноат корхоналарининг касаначиларга зарур хомашё ва материалларни етказиб бериш асосида оилавий пудратни ривожлантириш фуқароларга вақтдан унумли фойдаланиш, шу билан бирга, паст рентабелли ва кўп меҳнат сарфи талаб қилинадиган маҳсулотларнинг айрим турларини уй шароитида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имкониятини яратади, бу, ўз навбатида, йирик корхоналар иш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш, оила бюджети даромадларини кўпайтириш, уй меҳнатидан фойдаланган ҳолда бутловчи қисмлар, тайёр маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва баъзи бир хизматлар кўрсатишни ташкил этиш орқали йирик саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар касаначиликни ривожлантиришнинг асосий вазифалари деб ҳисоблансин:

меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, касаначилар ижтимоий ҳимояси ва меҳнати муҳофазасини таъминлашни инобатга олган ҳолда аҳолини уй меҳнати фаолиятига кенг жалб қилиш учун қулай шароит яратиш;

саноат корхоналари билан уларнинг буюртмалари асосида уйда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, биринчи навбатда, саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш имконини берадиган тикувчилик, атторлик, ипакчилик, қайта ишлаш, мебель, электрон саноатида, шунингдек, телекоммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқларида касаначилик билан шуғулланаётган фуқаролар ўртасида кооперацияни ривожлантириш;

корхоналарнинг буюртмалари асосида уйда ишлаётган фуқароларга буюртмачилар томонидан хомашё, материаллар ва яримфабрикатларни етказиб бериш ҳамда буюртма асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишни кафолатлашда барқарор шароитлар яратиш.

2. Белгилаб қўйилсинки:

корхоналарнинг буюртмалари уйда ишлаётган фуқаролар (касаначилар) томонидан меҳнат шартномаси асосида бажарилади;

корхоналар билан меҳнат шартномаси тузган касаначилар банд аҳоли тоифасига киради ва уларга меҳнат дафтарчаси берилади, пенсиялар ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлашда ишлаган вақти меҳнат стажига қўшилади;

касаначилик меҳнати амалга оширилаётган турар жойларни яшаш учун мўлжалланмаган жойлар тоифасига ўтказиш талаб этилмайди;

меҳнат шартномасида ишларни бажариш учун зарур ускуналар етказиб бериш ва уларга техник хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш, асбоблар, жиҳозлар, материаллар ва яримфабрикатлар билан таъминлаш, касаначиларни мажбурий тарзда техника хавфсизлигига ўқитиш ҳамда буюртмачи талаб қилган сифат стандартлари асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташиб кетиш, бажарилган иш учун ҳисоб-китоб қилиш бўйича корхоналарнинг касаначилар олдидаги кафолат ва мажбуриятлари кўзда тутилади.

3. Товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буюртма берадиган корхоналар 2006 йилнинг 1 февралидан бошлаб беш йил муддатга, меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилинсин.

4. Корхоналарга меҳнат шартномаси асосида касаначиларга корхоналар буюртмаси бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарларни текин ёки ижара шарти билан бериш, жумладан, лизинг (молиявий ижара) асосида тақдим этиш ҳуқуқи берилсин.

Махсус техника хавфсизлигига амал қилишни тақозо этадиган уй шароитида назорат қилиш имкони бўлмаган, кучли ток билан ишлайдиган, катта энергия талаб қиладиган, техник жиҳатдан мураккаб бўлган ускуналарни, шунингдек, хавфли кимёвий бирикмаларни касаначиларга бериш, ижара ва лизинг асосида тақдим этиш ҳамда улардан уй шароитида фойдаланиш тақиқланади.

5. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

корхона томонидан тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ касаначиларга корхона буюртмаси бўйича ишларни бажариш учун текин фойдаланишга берилган асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарлар улардан фойдаланиш даврида мулк солиғидан озод этилади;

касаначилар буюртмачи-корхоналарнинг ишлаб чиқариш технологиясига тўлиқ амал қилган тақдирда, уй шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматларни қўшимча сертификатлаш ва стандартлаш талаб этилмайди. Бунда уйда ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати бўйича белгиланган стандартларга риоя қилиш бўйича масъулият, у саноат корхоналарига қайтарилганда - касаначилар зиммасига, охирги истеъмолчига сотишда эса саноат корхонаси зиммасига юкланади;

меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган корхоналарга касаначилар томонидан маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг қайтарилиши улгуржи савдо ҳисобланмайди ва лицензияланмайди;

касаначилар фаолияти буюртмачи-корхона қонунчиликда белгиланган тартибда текширилгандагина назорат қилувчи органлар томонидан текширилиши мумкин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда Касаначилик тўғрисидаги низомни тасдиқласин, унда касаначилар билан меҳнат шартномасини тузиш, уларга ускуналар бериш ва техник хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш, асбоблар, хомашё ва материаллар тақдим этиш, касаначилар харажатларини қоплаш тартибини, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш механизмлари, томонларнинг ўзаро жавобгарлиги чоралари, шунингдек, ушбу Фармонда кўзда тутилган имтиёзларни қўллашда суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш бўйича солиқ органлари томонидан амалга ошириладиган назорат тизимини белгиласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш дастурларида 2006-2007 йилларда касаначиликни оммалаштиришга доир тадбирларни кўзда тутсин;

мазкур дастурлар ижроси устидан тизимли мониторинг ўрнатсин ҳамда ҳудудлар ва республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини муҳокама этишда ҳар бир чорак натижалари бўйича уларнинг амалга оширилишини кўриб чиқсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тақдим этсин.

8. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри, 2006 йил 5 январь*

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида «Табиат ва рассом» кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. 400 га яқин асар намойиш этилаётган ушбу кўргазмани Ўзбекистон мўйқалам усталарининг 2005 йил учун ўзига хос ижодий ҳисоботи, дея тавсифлаш мумкин.**

● **Тошкентдаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида «Ёш экологлар клуби» ташкил этилди. Ёшлар орасида экологик таълим-тарбияни такомиллаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган ушбу клубга кўплаб талабалар аъзо бўлиб кирдилар.**

● **Янги йил арафасида Жиззах вилояти ахборот кутубхона маркази фойдаланишга топширилди. Марказ тўла компьютерлаштирилган ва Интернет тармоғига уланган бўлиб, 60 минг нусхадаги китоб фондига эга. Энг муҳими, китобхонлар шу ернинг ўзидан хорижий мамлакатлар кутубхоналарида сақланаётган ноёб адабиётлар билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.**

● **Бухоро шаҳрида мамлакатимиздаги қўғирчоқ театрларининг анъанавий кўрик-фестивали бўлиб ўтди. Танлов якунларига кўра Самарқанд вилоят қўғирчоқ театри биринчи ўринга муносиб деб топилди.**

● **Қарши санъат коллежида ёш эстрада хонандаларининг вилоят кўрик-танлови ўтказилди. Танловга тавсия этилган қўшиқлар, лапар ва ўланлар халқимизнинг урф-одатлари, анъаналарига мос тарзда қайта ишланиб, эстрада жанрига мослаштирилган ҳолда замонавий йўналишларда яратилган.**

● **«Истиқлол» болалар спорт мажмуида Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш ҳамда «Соғлом авлод учун» жамғармаларининг шаҳар филиаллари ташаббуси билан пойтахтдаги мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида «Соғломжон-полвонжон» спорт мусобақаси ўтказилди.**

● **Бухородаги «Нафис» спорт саройида бадиий гимнастика бўйича «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши соврини учун вилоят очиқ биринчилиги ўтказилди.**

● **Амударё туманида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган анъанавий «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг миллий ва белбоғли кураш бўйича минтақавий босқич беллашувлари ниҳоясига етди.**

### ЖАҲОНДА

● **Грузия раҳбарияти Жанубий Осетия ва Абхазияда юзага келган можароларни тинч йўл билан бартараф этиш ниятида. Бу тўғрида Грузия давлат вазирининг можароларни бартараф этиш бўйича ўринбосари Георгий Вольский маълум қилди.**

● **Исроил Бош вазири Ариэл Шарон миясига қон қуйилиши оқибатида оғир аҳволда госпиталга ётқизилди. Бир неча соатлик тиббий жарроҳлик амалиёти ўтказилиб, Бош вазирнинг ҳаётини сақлаб қолишга ҳаракат қилинди. Шифокорларнинг таъкидлашича, ҳозирча Шарон беҳуш ҳолда бўлиб, унга сунъий нафас берилмоқда.**

● **АҚШ Президенти Жорж Бушнинг маълум қилишича, жорий йилда Ироқ маъмурияти вакиллари билан бу мамлакатда турган Америка қўшинлари сонини қисқартириш масаласи юзасидан музокаралар ўтказилиши мумкин. Қўшинларни олиб чиқиш муддати эса Ироқдаги вазиятга боғлиқ бўлади.**

● **Сомали Президенти билан мамлакат парламентининг спикери ўртасида Вазирлар Маҳкамасини Могадишога қайтариш юзасидан якуний келишувга эришилди. Шу вақтга қадар Сомали ҳукумати Кенияда қувғин ҳолатда фаолият кўрсатиб келаётган эди.**

● **Туркияда илк бор парранда гриппи натижасида беморларнинг ҳаётдан кўз юмиши қайд этилди. Пневмония асоратлари билан шифохонага тушган 14 ёшли ўсмир ва унинг синглиси ҳаётдан кўз юмгач, улар қони таркибидан инсон учун ўта хавфли бўлган H5N1 вируси топилган.**

● **Америка кино академиясининг маълум қилишича, 2005 йилнинг энг яхши фильми номини олиш учун 311 та бадиий фильм баҳс юритади. «Оскар» мукофотининг асосий номинантлари 31 январь куни маълум қилинади.**

● **АҚШнинг Ғарбий Виргиния штатида жойлашган шахтанинг 80 метр чуқурликдаги қисмида юз берган портлаш натижасида шахтада қолиб кетган 13 нафар working кончидан фақат биттасинигина қутқариб қолишга муваффақ бўлинди. Қутқариб қолинган ягона шахтёр ҳам касалхонада жуда оғир аҳволда ётибди.**

● **Қозоғистоннинг ғарбида жойлашган Актюбинск вилоятида иккита юк ташувчи поезднинг тўқнашуви юз берди. Натижада 40 та вагон ва битта локомотив рельсдан чиқиб кетди. Тўқнашув оқибатида икки киши жароҳатланиб, касалхонага ётқизилди. Ҳодиса юз берган жойда умумий ҳисобда 200 метр темир йўл ишдан чиққан.**

### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология бош бошқармасининг хабар беришича, 7 январь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шимоли-шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 9-11, кундузи 1-3 даража совуқ бўлади.

# Оила даврасида

*суҳбатлар*

## Мулоҳаза

# БЕЭЪТИБОР БЎЛМАЙЛИК

Бир куни дарс тайёрлаб туриб, кўзим илиниб, ухлаб қолибман. Тушимга бобом кирибдилар, нимагадир мендан хафаликларини сездим... Онажонингизга яхши қаранглар, — дедилару ғойиб бўлдилар. Вафот этган бобомнинг бу гапларидан сергак тортдим. Охирги марта онажоним билан қачон тузукроқ гаплашдим? Қачон иш-юмушларини бажариб берган-дим-а? Баъзида болам-чақам, рўзғор деб тинмай ишлаётган отамнинг қачон келиб, қачон кетганларини ҳам билмай қоламан.

Ўйлаб қарасам, ҳаммамиз бандмиз. Ўз ишимиз, ўй-хаёлларимиздан ортмай қолганмиз. Рўзғор аталмиш замбил аравани тортиш учун ҳаммамиз қаёққадир югурамиз, шошиламиз. Отанинг ўғил билан, онанинг қиз билан, аканинг сингил билан гаплашишга вақти йўқ. Одатий салом-алик билангина чекланамиз. Разм солсам, отам ўқишларинг яхшими, деб сўрашдан, онам ишдан чарчаб келиб, уйқусираганча уй юмушларини буюришдан нари ўтмайди. Катта синглим иши юришмаётган эри ҳақида қайғурса, ўртанча синглим дўконда яхши савдо бўлмаётганини ўйлайвериб эзилиб кетади. Сингилчамни эса ўзига яраша ташвиши бор. Бири-биридан қийин дарсларни тайёрлашга қийналади. Баъзида мендан ёрдам сўраб турарди. Вақтим йўқ, деб қайтараверганимдан кейин сўрамай қўйди бошқа. Энг ёмони, бунга ўрганиб қолибман. Энди оддий саволларга жавоб бериш ҳам малол келади. Бирорта гап бошламасиданоқ, мени тинч қўйинглар, деб жеркиб бераман. Қарасам, бир мен эмас, оиламизнинг ҳамма аъзолари ҳам ўз муаммоларидан чиқиб кета олишмайди. Кеч киргач, яна ҳаммамиз дастурхон атрофига йиғиламиз. Лекин ёнгинамизда ўтирганлар билан ишимиз йўқ. Овқат вақтида қўшни йигит уйланаётган қиз ҳақида бир-биримиздан сўраймиз, кейин мавзу касалликдан ёш ўлган бечора қариндошимизга бориб тақалади. Бўғилиб кетаман, қўшнининг бўлажак келинига қизиқамиз, бу дунёни аллақачон тарк этган одамни ўйлаб қоламиз. Гўёки бир-биримизга айтиб сирлашадиган гапимиз, ҳал қилиш керак бўлган муаммоларимиз йўқдек. Ҳа, буларни боқаяпман, эртага тушлик пулини бердим-ку. Балки отам шундай ўйларлар. Қизимга қизил духоба олдим, сариғига ойлигим етармикан, отамнинг кўнгилларидан ўтади. Ўғлимга яхшироқ қиз топай, оиламизга мос деб, онам ўйлайдилар. Ўғлим ўқишда қийналиб ўқиб юрибдими, қорни тўқми, соғ-саломат юрибдими ишқилиб деб, ўйлайдилар онажоним.

Ҳаммамизни муаммолару ўткинчи икир-чикирлар шундай ўраб ташлаганки, бир қозондан овқат еб, бир эшикдан кириб-чиқадиган қариндошларимиз аҳволига қизиқмай қолганмиз. Йўқ, биз бемеҳр эмасмиз, шунчаки вақтимиз йўқ. Бир-биримизни яхши кўрамиз, лекин буни кўрсатиб бера олмаймиз. Ҳа, яхшидир, индамаяпти-ку, бу бизни овутадиган фикр. Эҳтимол, шунинг учун бир-биримиздан узоқлашиб кетаётгандирмиз. Сиз бу борада қандай фикрдасиз? Эҳтимол, етти ёт бегонага қилган мулозаматни ота-онамизга қилиб кўрсак, ўзгалар ташвишига кўп куюнмасдан жигарларимизга ҳам ғамхўрлик қилсак-чи? Ишимиз битар, муаммолар ҳал бўлар.

Фақат унда омонат дунёдаги ғанимат одамларимиз ёнимизда бўлармиканлар?!

**Элдор АКРОМОВ**

# ТАФАККУР КАМОЛОТИ

● Аҳлоқсизлик илдизи адабсизлик бўлиб, адабсизлик уруғи бор жойда ҳақсизлик пайдо бўлади, ҳақсизлик эса адолатсизликни келтириб чиқаради.

● Мунофиқ одамлар ҳаётда кам, барибир улардан узоқ бўлиш керак.

● Маънавият осмонидаги ҳар бир ёруғ юлдуз жамият устунини бақувват, умрбоқий қилади.

● Бардошли одамлар камол топади, камолотли-одобли бўлади. Одоблилар эса олижаноб ҳамда камтариндирлар.

● Тафаккур гулшанига кириш қийин, кириб олгач, чиқиш қийин.

● Мевали дарахтга тош отилган мисол очиқ кўнгил одамлар ҳам кўп озор чекадилар. Барибир иккисининг умри ибратлидир.

● Китоб бамисоли нур, қўлга олдингми — йўлингни, ўқисанг — дилингни ёритади.

● Биздан аввал ўтган донолар билан бизни юзма-юз кўриштирувчи илоҳий куч бор экан. Бу — китоб. Бундан бўлак қудратни билмайман.

● Буюк тафаккур эгаларининг эккан мевали дарахтлари китоб экан. У ҳар йили бизга ҳосил беради.

● Ҳақиқий дўст дўстингга ҳам содиқ дўст, душманингга душмандир. Икки томонга ҳам хайрихоҳ бўлган кимса дўстгина эмас, душманингдан ҳам ёмонроқдир.

● Меҳр-мурувватли бўлганингиз сари, бойиб бораверасиз.

● Пул кетидан қувган эмас, пулнинг олдида юрган кимса бахт топади.

● Раҳм-шафқатли кишига эргаш, унда адолат бор, қаҳр-ғазаб эгасида эса зулм, ундан қоч.

● Яхшиларга яхшилик қилган савоб олади, ёмонларга яхшилик қилган эса гуноҳ топади.

●Шижоатли бўлолсангиз бахт эшигининг бири албатта очилажак.

● Енгилмаслик учун пойдевори иймон билан тикланган сиёсат юргизмоқ маъқул.

● Ким мурувватли деган саволга, жисмоний ҳамда маънавий пок инсон, деб жавоб берган бўлардим.

● Дунёда нимани бепардоз кўрсангиз ҳам чирой бериб тураверади? Бу саволга битта тўғри жавоб бор — Ҳақиқат.

● Маънавий бой одам ҳамма замонлар ҳам моддий бой одамдан устун бўлган.

● Қуёш ўз нурини барчага тенг сочади. Аммо "ер чизиб" юрадиган кимсалар ундан тўла баҳра ололмайдилар.

● Сен бамисоли шабада. Илтимос, фақат боғзору, гулзорлар узра эс. Шунда ҳамма ёққа ёқимли ҳид тарқалади.

● Кеча ва бугундан тўғри хулоса чиқариб, индинни ўйлаб, эртасига иш юритадиган одамни тадбиркор дейишади.

**Тўлқин МУҲИДДИН**

**ЯНГИ ЙИЛНИ ҲАММАДАН КЎПРОҚ БОЛАЖОНЛАР ОРЗИҚИБ КУТИШАДИ.ЧУНКИ ЯМ-ЯШИЛ, ТУРФА ХИЛ ЎЙИНЧОҚЛАР БИЛАН БЕЗАТИЛГАН АРЧА АТРОФИДА ЎЙНАШ УЛАРГА ЧЕКСИЗ ҚУВОНЧ БАҒИШЛАЙДИ.**

# БОЛАЛАР ДИЛДАН ЯЙРАШМОҚДА

Янги йил арчаси атрофида айни кунларда болалар дилдан яйраб қувнашмоқда. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси томонидан ўтказилаётган Янги йил арча байрами 2005 йил 20 декабрдан 2006 йил 10 январгача давом этади. Шайхонтоҳур, Собир Раҳимов туманлари маданият уйлари, мусиқа мактабларининг бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзолари томошалари А.Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида, Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманлари маданият уйлари ва мусиқа мактаблари ҳаваскорлари эса Мирзо Улуғбек ёдгорлиги мажмуасида, Ҳамза, Сергели, Бектемир ва Учтепа туманлари маданият уйлари ва мусиқа мактаблари бадиий ҳаваскорлари томонидан уюштирилаётган «Янги йил арчаси атрофида», «Қорбобо ва Қорқизнинг янги йил саргузаштлари» деб номланган театрлаштирилган томошалар Авиасозлар маданият саройи майдонида давом этмоқда. Шаҳримизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳамда «Наврўз» мажмуасида бўлиб ўтадиган байрам дастурида Яккасарой туманидаги Т.Содиқов номидаги шаҳар маданият уйи ва туман маданият уйлари, мусиқа мактабларининг бадиий ҳаваскорлари томонидан «Барчинойнинг Янги йил саргузаштлари» деб номланган театрлаштирилган мусиқали композиция намойиш этилмоқда.

— Янги йил арча байрами томошаларида "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандалари ҳам ўз санъатларини намойиш этишмоқда, шунингдек, қизиқарли дастурлар билан биргаликда спортчилар томонидан миллий спорт ўйинлари, спорт мусобақалари. шунингдек дор ўйинлари, миллий ўйинлар ташкил қилинган,-- дейди Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Баҳодир Аҳмедов. — Бундан ташқари Бектемир тумани марказида, Юнусобод туманида ҳайвонот боғида, Учтепа туманида Акмал Икромов номидаги маданият ва истироҳат боғида, Чилонзор туманида Ўзбекистон Миллий боғи, Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғларида Янги йил томошаларини болажонлар завқ билан томоша қилишмоқда. Шулар билан бир қаторда марказий томошалар ўтказилаётган жойларда кичкинтойларга турли хил аттракционлар ҳам хизмат кўрсатмоқда. Мақсадимиз, фарзандларимиз байрам томошаларида иштирок этиб, Қорбобо ва Қорқиздан совғалар олиб, кўнгиллари шодликка тўлса, деймиз.

Дарҳақиқат, айни кунларда куй-қўшиқлар, ажойиб, қизиқарли томошалар билан давом этаётган Янги йил арча байрамларида болажонларимиз дилдан куйлаб,яйрашмоқда.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТДА: болалар Янги йил арчаси атрофида қувнашмоқда.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган сурат**



## Хандалар

# ЙЎЛАКДАГИ УЧРАШУВ

"Нажот" шифохонасининг ички йўлагида ЛОРга, яъни томоқ, бурун, қулоқ шифокорига кириш учун навбат кутиб ўтирган беморлар олдида бир ҳамшира билан иккинчиси қучоқлашиб сўраша кетди:

— Ҳозир, қайси бўлимдасан, дугонажон? — сўради биринчиси.

— Ўпка, жигардаман. Ўзинг-чи?

— Мен қулоқ, бурун, томоқда эдим, бу жой зерикарли бўлганидан ошқозон, ичакка ўтиб кетдим. Энди бу бўлим ҳам ёқмай турибди, мўлжалим томир, бўғин ёки жарроҳлик.

— Менга ҳам ўпка, жигар ёқмай турибди, уқалаш-массажга ўтсаммикин?

— Уқалашда нима қиласан, йигитлар у бўлимга кам келадилар, нуқул чол-кампирлар мижозинг бўлади. Яхшиси, синган-чиққанга ўтиб ол. Аварияга учраган ёшлар кўп келишади.

— Бўлмайди, беморларнинг дод-войига тобим йўқ, ундан кўра стоматологияга ўтсам, тилла тиш қўйдириб оларман.

— Ҳо, чиройинг яна очиларкан-да! Унда мен косметикага ўтаман, юзимдаги доғлардан халос бўламан!

— Мана энди мўлжалимиз аниқ бўлди, дугонажон!

# МИЖҒОВ БЕМОР

— Палатадаги бир мижғов бемор:

— Қизим, тинчлантирувчи дорингдан бергин, ҳамма ёғим қақшаб оғрияпти.

— Аввал шифокор кўрсин, хола!

— Шифокорни овора қилмай, бераверсанг-чи?

— Ўзи қаерингиз оғрияпти?

— Қаерим оғриётганини ўзим ҳам билмайман.

— Билмасангиз, қандай дори беришни мен ҳам билмайман! Ё ухлатадиганидан берайми-а?

— Йўқ, йўқ! Ҳозиргина уйқудан уйғондим. Буни қара, дарров оғриғим ҳам қолди-я!

**Хандапаз Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ**

# Оз-оз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Меваларни ейишдан аввал ювиш керак. Чунки кўп жониворлар меваларнинг устига ўтирган бўлади. Айниқса узумни шундай қилиш кўпроқ таъкидланади. Ювиб емаслик баъзида ўлимгача олиб келади. Овқатдан кейин қўл ва панжаларни ювиб тозаламоқ зарурдир. Оғизни ва қўлни ашнон билан ювилса, уни хушбўй ва мулойим қилади ва панжаларда қувват пайдо қилади. Уй эгасининг қоидаси шундайки, у овқатдан аввал қўлини ювиб, овқатдан сўнг энг охирида ювади. Ўтиришларда қўл ювишни чўзмаслик ва бошқаларни мунтазир қилиб қўймаслик зарур. Сувдан тезда қўл тортмоқлик керак, токи бошқаларга навбат тезроқ етади. Қўлни либосга артмаслик керак. Бу тамизсизлик аломатидир. Агар дастрўмол бўлмаса, қўлни юзга ёки соқолга суртмоқлик керак.

**Бархурдор ибн МАҲМУД**

Овқат ейиш учун ўтиришда аввало доно ва олим кишилар энг юқорига ўтказилади. Сўнг эса ёши, илми жиҳатидан юқорига ўтказилган кишиларга яқинроқ кишилар таклиф этилади. Бордию, ўрта ва охирги даражада бўлган кишилар юқорига ўтиб қолган бўлса, уларни турғизиш ва ёши ҳамда илми жиҳатдан устун бўлган кишиларни тепага ўтказиш мумкин.

**Маҳмуд ибн МУҲАММАД**

Дастурхонда тансиқ таом бўлса-ю, оз бўлса, унга ҳирс билан ташланмаслик керак. Аксинча, уни илтифот юзасидан бошқаларга ҳавола қилмоқ лозим. Овқат ейилаётган пайтда ҳар ким ўз шеригининг еяётган луқмасига қарамаслиги, ўз олдидан олмоғи, бироқ мева-чева бўлса, бошқа жойдан ҳам танлаб олмоғи мумкин.

Оғзига солинган овқатдан суяк ёки бошқа бирор номуносиб нарса чиқса, оғзидан олиб дастурхонга қўймасин. Масалан, оғзида суяк бўлса, уни ўзгаларнинг диққатини жалб қилмасдан, бекитиб олсин. Ўзгалар иштаҳасини бузадиган ва иффатини кетказадиган ҳаракатдан ниҳоятда эҳтиёт бўлсин. Оғзидан қайтариб олинган нарсани қайтариб идишга солмасин. Шундай йўл тутсинки, ундан қолган овқатдан табаррук сифатида ичувчи ўзга кишиларнинг нафратини қўзғотмасин.

Киши меҳмон бўлса қўлини мезбондан олдин артишга ҳаракат қилсин. Кўпчилик қўл тортса, у ҳам кўпчиликка эргашсин. Оч бўлса ҳам бунинг аҳамияти йўқ. Борди-ю, мезбон бўлса ўзгалар қўл тортганда ҳам у қўл тортишдан тийилиб турсин. Чунки меҳмонларнинг бирортасида ейишни давом эттириш хоҳиши бўлса уялиб қолмасин.

Овқат орасида сув ичиш истаги пайдо бўлса, сувни оҳисталик билан ичсин. Токи ичаётганда кишилар унинг оғзи ва ҳалқумининг овозини эшитмасин. Одамлар овқат еяётганда тишини ковламасин. Тишдан чиққан нарсани шундай жойга ташласинки, токи одамларнинг нафратини қўзғотмасин. Қўл юваётганда қўлни ва тиш остини тозалашга алоҳида диққат қилсин.

**«Хулосат ал-ҳукамо»**

«Хулоса» китобидан маълум бўлишича, овқатни асло ҳидламаслик, овқат орасида сув ичмаслик, борди-ю ичиш лозим бўлиб қолса, пиёла ёки идишни ёғли қўли билан булғамасликка ҳаракат қилмоғи лозим.

**Маҳмуд ибн МУҲАММАД**

Ахлоқ неъматининг лаззатидан баҳрадор бўлган кишилар айтадиларки, чақирмаган жойга қорин тўйдириш мақсадида бормоқ, шундай қудратли селдирки, бу сел обрў ва иззат асосини ва томирини бутунлай қўпориб ташлайди. Ёки у шундай бир шуъладирки, унинг завол қилувчи яшини иззат ва ҳурмат хирмонини ёндириб юборади.

**Бархурдор ибн МАҲМУД**

Овқатдан қўл тортгач, овқат сўнгида ширинлик емоқ, масалан, қанд ёки асал ейиш фойдалидир.

**Маҳмуд ибн МУҲАММАД**

Бугун ейишга нарсаси бўлмаган одам сендан нон нася олса, унга раҳм қил, аммо гўшт нася олган одамга шафқат қилма. Биринчиси ҳақиқий ночор, иккинчиси эса нафс бандасидир.

Ўз дардини табибдан яширган одам ўз-ўзига хиёнат қилган бўлади.

**«ОТАЛАР СЎЗИ»**

**Ҳикоят:** Бир табиб бир кишининг олдига борган эди. Унинг икки хил овқат еб ўтирганини кўрди. Унга: «Икки овқатни аралаштириб ема, улар қорнингда келишолмай жанг пайдо қилишади!» деди. У киши қулоқ солмай еяберди. Аммо эртасига касал бўлиб қолди. Сўнг ўша табибга одам юборди. Табиб келиб унга «Айтмаганмидим, бу икки овқатни ема, улар келишолмайди, деб» дея таъна қилди. У деди: «Йўқ, гапинг нотўғри, улар келишиб олишди, мени оёқдан қулатиш ҳақида иш олиб боришмоқда!»

**Абулбаракот ҚОДИРИЙ**

**Киши олдидаги овқатга қўл чўзма,**
**Ўз олдингдаги овқатни егин,**
**эй зариф.**

**ҒОЗИЙ**

**Бўлма коми нафс учун ҳар**
**сифланинг олдида паст,**
**Обрўсизлик юкин чекмакка**
**маздур ўлмағил.**

**ҒОЗИЙ**

**Ҳайф, юз минг ҳайф ўзингни**
**айладинг расвои халқ,**
**Тутмайин нафсингни ҳирсу**
**оздин офоқ аро.**

**РОҚИМ**

**Беморнинг дарди кечаси зўраяди:**
**Кеча узун, ой ботмас,**
**Дардлининг тонги отмас!**

Танбалдан сув сўрасанг, табиблик қилади.

**«ОТАЛАР СЎЗИ»**

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ,**
**Ҳамиджон ҲОМИДИЙ**
**тайёрлашган.**

**ЖАЖЖИ КИЧКИНТОЙЛАР ҚАЛБИНИ ҚУВОНЧЛАРГА ТЎЛДИРГАН ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ ТАДБИРЛАРИ ШАҲРИМИЗНИНГ ҲАР БИР КЎЧАСИДА ДАВОМ ЭТМОҚДА. «КАМОЛОТ» ЁИҲ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛАЁТГАН «КАМОЛОТ»ДАН ЯНГИ ЙИЛ!» ЛОЙИҲАСИ ТАДБИРЛАРИ ЭСА КАТТА-Ю КИЧИККА МАЪҚУЛ БЎЛИБ, БОЛАЖОНЛАР ҚАЛБИДА КАТТА ТААССУРОТ ҚОЛДИРМОҚДА.**

## «Камолот»дан туҳфа

# БАЙРАМИНГ МУБОРАК, БОЛАЖОН!

Ана шундай байрам томошалари «Камолот» ЁИҲ Чилонзор тумани Кенгаши томонидан тумандаги 49 та маҳаллада, 22,23-Меҳрибонлик уйлари ва 66-махсус мактабда ҳам ўтказилди. Ушбу тадбирларга кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногирон, ёрдамга муҳтож оилаларнинг фарзандлари таклиф этилди.

— Янги йил байрами тадбирлари «Ҳар доим «Камолот» билан!» лойиҳаси асосида туманимиздаги Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларда, имконияти чекланган, ногирон болалар учун «Камолот»дан туҳфа, пойтахтда жойлашган қариялар уйларида эса «Ёшлар табриги» лойиҳаси асосида ўтказилмоқда, — дейди бу тўғрида «Маҳалла умидлари» маркази раҳбари Муяссар Юсупова. — Маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёрдамга муҳтож болалар учун ташкил этилган «Кўчма арча» байрам томошалари айниқса ётиб қолган кичкинтойлар кўнглини кўтариб, Қорбобою Қорқиз, эртак қаҳрамонлари билан учрашув, совға-саломлар дилларига беҳад қувонч бахш этмоқда. Бундай Янги йил байрами тадбирлари ҳали 12 январгача давом этади. Мақсадимиз барча учун бирдек севимли бўлган Янги йил байрамида ижтимоий ёрдамга муҳтож болалар, ёлғиз қолган қариялар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва имконияти чекланган болаларни маънан қўллаб-қувватлаш, қишки таътил вақтини мазмунли ўтказишларига ҳисса қўшишдан иборатдир.

Дарҳақиқат, болажонлар учун айниқса ҳузур бағишлайдиган Янги йил байрамидаги таассурот ўзгача бўлади, қувончу шодлик бир йил давомида уларни тарк этмайди.

Шундай экан «Камолот»чиларнинг саъй-ҳаракатлари ҳам албатта беиз кетмайди, меҳр-муҳаббат, юртга садоқат, фидойилик каби юксак фазилатларни кичкинтойлар юрагига жойлайди.

Янги йилингиз, янги кунингиз муборак бўлсин, эртамизнинг давомчилари, келажакнинг гулғунчалари.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

## Ширкатларда

# ЯШОВЧИЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

**ҚИШНИНГ АЁЗЛИ КУНЛАРИ БОШЛАНИШИ БИЛАН ҲАР БИР ИНСОН ИШДАН, ЎҚИШДАН СЎНГ ОИЛАСИ, ХОНАДОНИ САРИ ШОШИЛАДИ. СОВУҚДАН ЭТИНГ ЖУНЖИКИБ, УЙГА КИРИШИНГ БИЛАН ИССИҚ ҲОВУР ЮЗИНГГА УРИЛСА, БАҲРИ-ДИЛИНГ ОЧИЛИБ ЧАРЧОҚЛАР ТАРҚАЙДИ, АГАР БУ ҲОЛНИНГ АКСИ БЎЛСАЧИ. УНДА СОВУҚ ХОНА ЗАҲРИДАН ЧАРЧОҒИНГ УСТИГА ЧАРЧОҚ ҚЎШИЛИБ, ОВҚАТНИ ҲАМ ЗЎРҒА ТАНОВУЛ ҚИЛАСАН.**

Албатта хонадон иссиқлиги, ёғингарчилик вақтида кўп қаватли уйлар томидан чакка ўтмаслиги бу биринчи навбатда сиз яшаётган ҳудуд ширкати ходимларининг саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Эрта саҳардан то қоронғу тушгунча уйингиз атрофида тинимсиз меҳнат қилаётган ширкатингиз ходимларига ҳеч кўзингиз тушганми?!

Ҳаммага аёнки, кўп қаватли уйнинг муаммолари ҳам, камчиликлари ҳам кўпчилик билан ҳал бўлади. Аммо асосий иш албатта уй-жой мулкдорлари ширкати ходимлари зиммасида. Биламизки, ёз кетиб, куз ўтиб қиш фаслида уй-жой мулкдорлари ширкати ходимларининг иши бирмунча қийинлашади. Энг баланд қаватда жойлашган уйнинг томидан чакка ўтган, кимнингдир хонадонидаги иссиқлик тизими ишдан чиқиб совуқда қолган ёки бўлмаса иссиқ сув қувури тешилгани учун қайсидир хонадондан шикоят тушган.

Озгина мушоҳада қиладиган бўлсак, аввало юқоридаги каби камчиликларда ширкат ходимларининг айби катта. Айтишадику, қолган ишга қор ёғар, деб. Демак, ушбу муаммо ва камчиликларни улар эрта баҳордан бошлаб ҳал қилишганида эди ҳозир шикоятга ўрин қолмаган бўларди.

Кўпчиликка қизиқки, айни дамда шаҳримиздаги кўп қаватли уйларни ўзига бирлаштирган уй-жой мулкдорлари ширкатлари ходимлари қандай ишлар билан банд? Ширкатларда қандай муаммолар бор? Бу муаммолар қай йўсинда бартараф қилиняпти? Бу каби саволларга жавоб олиш мақсадида Сергели туманида жойлашган «Саидоқилхон» уй-жой мулкдорлари ширкатида бўлдик.

Кўп қаватли уй муаммоларини ҳал қилиш билан овора ширкат раҳбари Машраб ака Санаевни 14-уйдан топдик ва уларга мақсадимизни айтдик.

